## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 17

Риштон ш. «31» май 2022йил

**«БУЮРТМАЧИ»**: Низом асосида фаолият кўрсатувчи Риштон туман ҳокимлиги номидан корхона рахбари С.Солиев бир тарафдан.

**«ПУДРАТЧИ»**: Низом асосида фаолият кўрсатувчи Фаргонагаз транс таъмир инвест х/к номидан фирма рахбари Б.Турсунов иккинчи тарафдан қуйидаги шартларга узаро келишдилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ:

**«ПУДРАТЧИ»** ўз зиммасига **«БУЮРТМАЧИ»**нинг ёзма топширигига кўра ўз материалларидан фойдаланиб, **«БУЮРТМАЧИ»** томонидан белгиланган объектларда, жумладан: Риштон туман Тўда МФЙ худудида жойл. Тўда ММТП ва керамика зав. газлашти объектида қурилиш-таъмирлаш хусусан газ монтаж ишларини амалга оширади, **«БУЮРТМАЧИ»** эса шу ишларни кабул қилиб олиш ва уларга хақ тўлаш мажбуриятини олади.

### 2. ШАРТНОМА БАХОСИ

Ушбу шартнома буйича бажариладиган курилиш-монтаж ишлари учун бошлангич шартномавий бахоси 3058853466.00 (уч миллиард эллик саккиз млн саккиз юз эллик уч мин...) сўмни ташкил этади.

Шартнома бахоси очиқ хисобланади ва иш хажми ўзгарганда, қурилиш материаллари қиймати ошганда, **«БУЮРТМАЧИ»** томонидан қўшимча қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши топширилганида тарафлар келишувига кўра ўзгартилиши мумкин.

### 3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

**«БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ»**га бажарилиши кузда тутилаётган ишларни сметасида тасдиқланган суммани 30 фоизи миқдоридаги аванс (бунак) тўловини олдиндан, иккига бўлиб, лекин шартнома имзолангандан бошлаб кечи билан 2 (икки) кун ичида утказиб бериш мажбуриятини олади.

Тўлов пул утказиш йўли билан амалга оширилади.

Бажарилган ишлар учун тўловлар хар бир босқич иш тури бажариб топширилгани тўғрисида тузилган Ф-3 справка тасдиқлиниб, қабул қилиш далолатномаси тузилиб имзолангандан кейин, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини топшириш юзасидан тузилган тегишли хужжатлардан келиб чиққан холда хар келаси ойнинг 10 кунига қадар амалга оширилади.

### 4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

**«ПУДРАТЧИ»** ушбу шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни, ўзаров келишув асосида қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК, СН и П) ва тасдиқланган лойха сархисоб хужжатлари асосида, қурилиш ишларини бажариш жадвалида кўрсатилган муддатларда тез ва сифатли равишда бажаради.

Шартнома буйича охирги хисоб-китоб иш тулик тамомлангшандан кейин, 20 кундан кечиктирмай, (бунга ишни қабул қилиб олиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф қилишни хам кушиб) **«БУЮРТМАЧИ»** томонидан амалга оширилади.

Шартнома «30» 08 2022йилга қадар амалда бўлади ва имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

### 5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### «ПУДРАТЧИ»

Қурилиш материаллари, восита ва мосламалар, конструкция ва комплектловчи ашёларни қурилиш объектига олиб кириш, уларни тушириш, ташиш ва сақлаш билан боғлиқ ишларни ташкил этиш.

Олиб борилган ва якунланган қурилиш-монтаж ишлари буйича тегишли хисоботларни ва ишларни ойнинг 27 кунига қадар топшириш.

Техника хавсизлиги, ёнгин хафсизлиги ва объектни қуриқлаш буйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таминлаш.

#### «БУЮРТМАЧИ»

Қурилиш ишлари бошлангунга қадар 3 (уч) кун ичида қуйидаги хатти-харакатларни амалга оширши шарт:

- тасдиқланган ва экспертизадан утказилган лойиха-сархисоб (смета) хужжатларини **«ПУДРАТЧИ»**га топшириш;
- коммунал хизмат тармоқларига (хусусан газ, электр-энергияси, сув, канализация) уланиш юзасидан чора тадбирлар кўриш. Олинган рухсатномалардан бир нусхадан **«ПУДРАТЧИ»**га топшириш;

Сканировано с CamScanner

- қурилиш чиқиндиларини олиб чиқиб ташлаш учун тегишли жой ажратилишини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 29.12.2000 йил кунги 509-сонли Қарорига асосланиб, қурилиш объектини руйхатдан утказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун рухсат берилганлиги тўғрисидаги тегишли хужжатдан бир нусха бериш;

**«БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ»** томонидан қурилиш ишлари буйича топширилган далолатномаларни, (тегишли хужжатларни) узоғи билан 10 кун ичида қабул қилиб олиши ва тасдиқланган нусхасини қайтариши шарт.

**«ПУДРАТЧИ»**дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 10 кун ичида объектни қабул қилиши шарт.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

Тарафлар мазкур шартнома билан ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажармаганлик учун амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиққан холда жавобгар бўладилар.

Шартномага ўзгартириш ва қушимча киритиш, форс-мажор холати масаласи амалдаги қонунчилик талаблари асосида хал этилади.

Шартномага қул ёзма асосида киритилган ўзгартириш, қушимча ва тузатишлар, шунингдек тўловни амалга оширилишини кечиктириш ёки бирор бир холатга боғлаб қуйиш билан боғлиқ қушимчалар, тузатишлар, баёнлар ва бошқа хил битимлар ўз-ўзидан хақиқий хисобланмайди.

Ушбу шартнома бир хил юридик кўчга эга бўлган икки нусхада тузилди.

Мазкур шартномада кўрсатилмаган холатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси «Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 12 сентябр кунги № 395 сонли Қарори билан, шунингдек бошқа амалдаги қонунчилик нормалари орқали хал этилади.

## 7. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

| «БУЮРТМАЧИ» | «ПУДРАТЧИ» |
|---|---|
| Риштон т. Хокимлиги | Фарғонагаз транстаъмир инвест ХК |
| А. Рошидоний кўча | Р/С 20208000904760018001 |
| х/р. 23402000300100001010 | ИНН 301084045 |
| Марказий банк Тошкент | МФО 00493 |
| код: 00014 | ТИФ Миллий банк Фарғона |
| ИНН: 200181775 | бўлими |
| ш/хр: 100022860302247049805110001 | |
| Рахбар: С. Солиев | Рахбар: Б. Турғунов |

Сканировано с CamScanner